

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 494.351-5

ШУКУРОВ ОТАБЕК УЛАШЕВИЧ

ҲАРАКАТ ТАРЗИ ШАКЛЛАРИ ПАРАДИГМАСИ

10.02.02 – ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2005

Тадқиқот Қарғи давлат университети ўзбек тилшунослиги
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

филология фанлари доктори,
профессор **Б.Р. МЕНГЛИЕВ**

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори
F.Н. ЗИКРИЛЛАЕВ

филология фанлари номзоди
Ж.Д. ЭЛАЗАРОВ

Етакчи илмий муассаса:
Низомий номли Тошкент давлат
педагогика университети

Ҳимоя Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети (703004, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15) ҳузуридаги К 067.04.01 рақамли номзодлик илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгашнинг 2005 йил 8 апрель куни соат 10⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети илмий кутубхонасида (Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 11) танишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил «1 » март куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди

 **Ш.А. Ҳасанов**

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг тадқиқ даражаси. Диссертация учун танланган мавзуни ўрганиш туркйшунослиқда XVII асрдан бошланган. Ўзбек тилшунослигида эса бу масалага XX асрда эътибор кучайиб, маҳсус тадқиқотлар яратилди. Бу тадқиқотларда мазкур мавзу қўшима феъл, кўмакчи феълли сўз қўшилмаси, аналитик форма тарзида номланиб, асосан, кўмакчи феълнинг маъни ва вазифаси, етакчи феълга бирикиши, кам-кўп қўлланиши каби жиҳатлари атрофлича ва чукур ёритилди. Тадқиқот натижалари ўрта ва олий мактаб дарслигу қўлланмаларига киритилиб, таълим жараёнига татбиқ этилди. Бу борада профессор А.Ғуломов, академик А.Ҳожиев, У.Турсунов, Ж.Мухторов, С.Акбаров, С.Фердаус, Б.Жўраев, Г.Шариповнинг хизматларини алоҳида қайд қилиш жоиз. Шу билан бирга Ф.Камолов, Ф.Абдуллаев, Ф.Абдураҳмонов, Ш.Шоабдураҳмонов, М.Асқарова, Ш.Раҳматуллаев, А.Абдуазизов, Э.Бегматов, А.Нурмонов, Р.Қўнгиров, И.Қўчқортоев, Ё.Тожиев, Э.Қиличев, F.Зикрилаев, Р.Сайфуллаева, Р.Расулов, О.Бозоров, Ш.Шаҳобиддинова, М.Қурбонова каби олимларнинг тури соҳага бағишлиланган ишларида ҳам мазкур мавзута доир фойдали фикр ва мулоҳазалар баён қилинади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, шўро ҳокимияти йилларида мазкур ҳодиса айрим олимлар томонидан рус тилидагидек *вид категорияси* деб номланган бўлса, айрим тилшунослар томонидан ҳаракат тарзи шакллари равишдош шаклларидан ажратиб ўрганилди. Булар, асосан, рус тили қолип ва андазаларидан нусха олиш оқибати бўлиб, мазкур ҳодисанинг *равишдош шакли+кўмакчи феъл=ҳаракат тарзи шакли* андазаси тарзида яхлит олиб қаралмаганлиги сабабли рўй берди. Истиқдолга эришилгач, ўзбек тилининг ўзига хос систем тузилишга эга эканлиги инобатта олиниб, мазкур ҳодисани ифодаловчи воситаларнинг умумий хусусиятига таяниб, тадқиқ қилиш бошланди. Жумладан, профессор Н.Маҳмудов ва М.Миртоҷиев кўмакчи феълларнинг феъл, ҳатто от (кенг маънода) туркумидаги сўзларга бирикиб, тури маъни нозикликлар ифодалаш хусусиятларини очиб беради.¹ Проф. Ҳ.Неъматов ва бошқалар эса ушбу ҳодисани ҳаракат тарзи шакли деб номлаб, унинг *равишдош шакли+кўмакчи феъл* қолипли ясалиш хусусиятига алоҳида эътибор қаратади.²

Мавзунинг долзарблити. XX асрда тилшунослигимизнинг илмий талқини кўп ҳолда рус тили андазаларидан нарига ўта олмади. Истиқдол туфайли таълим мазмунни, усули ва мақсади янгилана бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 390-(1999) ҳамда 400-Қарори (2000) билан умумий ва ўрта таълим тизими ислоҳ қилинди, она тилидан ўқув дастури ва дарслклари бутунлай янгиланди. Бу ишда юқорида исми-шарифи зикр этилган олимлар ва шогирларининг хизмати каттадир.

Бутунги кунда она тилидан амалдаги ва янгилангандастурда акс этган тушунчаларнинг ўқувчиларга етказилишини кўнгилдагидек

¹ Маҳмудов Н., Миртоҷиев М. Тил ва маданият. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -Б. 110.

² Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Абдураимова М., Қодиров М. Она тили. 6-синф учун дарслек (синов). -Т.: Ўқитувчи, 2000. -Б. 52.

деб бўлмайди. Мазкур дастур айни пайтда ўқитувчилар олдига ҳам жиёддий талабларни қўймоқда. Янгиланган таълим тизими дарсликлардаги ҳар бир тушунча моҳиятини мукаммал ёритиб беришни тақозо этади. Тилимиздаги шундай изоҳталаб тушунчалардан бири ҳаракат тарзи шакли бўлиб, ҳодисани кўмакчи феъли истилоҳи асосида ўрганиш муайян бутутиликнинг бир қисминигина акс эттиради. Тилшунослигимизга янги тушунчанинг киритилиши анъанавий муқобили бўлган кўмакчи феъли сўз қўшилмаси истилоҳидан фарқини илмий асосда изоҳлаб бериш эҳтиёжини юзага келтиради. Шунингдек, ҳаракат тарзи шаклларининг умумий грамматик маъносини очиш ҳамда лисоний тизимдаги ўрнини белгилаш, шакллараро парадигматик муносабатларни тиклаш зарурати диссертация мавзуининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари:

- ўзбек тилшунослигига ҳаракат тарзи шакли истилоҳининг киритилиш сабабларини ёритиш;
- ҳаракат тарзи шакли тушунчасининг моҳияти ва унинг кўмакчи феъли, кўмакчи феъли сўз қўшилмаси атамаларидан фарқини очиб бериш;
- ҳаракат тарзи шаклларининг умумий грамматик маъносини очиш;
- грамматик шакллар тизимида ҳаракат тарзи шаклларининг туттан ўрнини белгилаш;
- ҳаракат тарзи шаклларида категориал ва нокатегориал маъноларни фарқлаш;
- ҳаракат тарзи шаклларининг ташки ва ички парадигмасини очиш ҳамда шакллараро парадигматик муносабатни тиклаш;
- ҳаракат тарзи шаклларида приватив зиддиятни кўрсатиш;
- ҳаракат тарзи шаклларининг лугавий маънога таъсирини кўрсатиш;
- ҳаракат тарзи маъноларини воқелантиришда сатҳлар ҳамкорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг ўрганиш объекти. Ишда ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳаракат тарзи шакллари таҳдил қилинди. Бунинг учун 2 томли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати», 40-йиллардан кейинги ўрта ва олий таълим дарслклари ва туркийшунослиқда аналитик шакллар мавзуи остида қилинган илмий тадқиқотлардан фойдаланилди.

Тилшунослигимизга янги киритилган ҳаракат тарзи шакли истилоҳи ва тушунчасининг моҳиятини тавсифлашда А.Хожиевнинг «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» монографиясига тадқиқотнинг асосий манбаи сифатида таянилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқ усуслари. Вазифаларни ҳал қилишда диалектиканинг умумийлик, моҳият, имконият, сабаб ва яккалик, ҳодиса, воқелик, оқибат категориялари ҳамда тасаввухнинг фаҳмий ва идрокий билим ҳақидаги таълимоти, зот ва тажалли, жуззв ва кулл тушунчалари асосида иш кўрилди ва систем текшириш усулидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ишда ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослиқда лисоний ҳодисалар ифодаланмишнинг маъноси асосида номланганлиги боис

ҳаракат тарзи маъноси ёлгиз кўмакчи феъл орқали эмас, балки равишдош шакли+кўмакчи феъл кўриниши мураккаб қурилма билан ифодаланиши далилланди ва ўзбек тилшунослиги ҳамда она тили таълимида амалда бўлиб келган кўмакчи феъл, кўмакчи феълни сўз қўшилмаси атамалари тилшунослигимиздаги бу мураккаб бутунликнинг бир қисминигина ифодалаши очиб берилди;

– анъанаадаги етакчи феъл+кўмакчи феъл бирикуви учун ишлатилган кўмакчи феълни сўз қўшилмаси истилоҳи ўрнида ҳаракат тарзи шакли атамасини қўллаш нутқий тежамкорликни таъминлаши ва кўмакчи феълни сўз қўшилмаси таркибидаги сўз қўшилмаси узви сўз бирикмасига оппозицияда бўлган сўз қўшилмаси (сўзларнинг тенг boglaniши)га нисбатан қўллангани боис айрим чалкашликларни келтириб чиқариши баён қилинди;

– ўзбек тилининг зотий табиатидан келиб чиқиб, ҳаракат тарзи шаклларининг грамматик шакллар тизимида туттан ўрни ҳамда уларнинг етакчи феъл маъносини модификация қилиш билан боғлиқ бўлган лугавий шакллик моҳияти ёритилди;

– морфологик шакллар сирасида ҳаракат тарзи шаклларининг синтетик-аналитик моҳиятли категориал табиати очиб берилди ва уларнинг морфологик категориялар сирасидаги ўрни белгиланди;

– тасаввупнинг нарсада ўз зоти зарраси билан биргаликда бошка турли умумийликларнинг зарралари қоришган ҳолда намоён бўлиши ҳақидаги таълимотига асосан ҳаракат тарзи шаклларида категориал ва нокатегориал маънолар аникланиб, «тарз» категориал маъноси лисоний тизимда лексик, морфологик, синтактик сатҳлар таъсирида нокатегориал маънолар билан бойиб, нутққа чиқиши кўрсатилди ва улар тегишли мисоллар асосида ойдинлаштирилди;

– ҳаракат тарзи шаклларининг, бошка грамматик ҳодисалардан фарқли ўлароқ, умумий грамматик маъносига тадқиқотчининг муносабати шакллари кўп маъноли эканлиги туфайли «хусусийликдан умумийликка» йўналишида эмас, балки «умумийликдан хусусийликка» тамоили асосида бўлиши далилланди;

– ҳаракат тарзи шакллари умумий маъносининг парчаланиши, даражаланиши, гипонимик, синонимик, нисбатланиши, услубий ва кўмакчи феъллар валентлик имкониятлари асосидаги парадигматик муносабатлари тадқиқ этилди;

– бутун лисоний тизим қурилиши каби ҳаракат тарзи шаклларининг ҳам мавжудлиги привативлик қонунияти асосида бўлиши аникланиб, мисоллар ёрдамида тавсифланди;

– ҳаракат тарзи шаклларининг етакчи феъл маъноси воқеланишидаги ўрни ва унинг синтактик вазифасига таъсири очиб берилди;

– ҳаракат тарзи маъноларини воқелантиришда лексик, морфологик ва синтактик сатҳларнинг таъсир доираси турлича эканлиги ва ўрни билан тарз маъноларини воқелантиришда устуворлик қилиш ҳолатлари асосланди.

Тадқиқотнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти

куйидагича:

– тадқиқотда мураккаб бутунлик сифатидаги ҳаракат тарзи шаклларининг грамматик шакллар тизимида туттан ўрни ўрганилади;

- равишдош шакли+кўмакчи феъл бирикувларининг янгилаштириши талқинни грамматик шакллар тизимининг ҳақиқий, онтологик табиатига яқинлаштиради;
- ҳаракат тарзи шакллари таҳдимида морфологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлган категориал ва нокатегориал маънолар тажаллиси фарқланади;
- тадқиқот морфологик категориялар таснифини яратишга хизмат қилади;
- амаддаги она тили ўқув дарслкларига киритилган ҳаракат тарзи шакли ва уларнинг лугавий шакллик хусусияти каби атама ва тушунчалар моҳияти муайянлаштирилади;
- тадқиқотда мураккаб бутунлик ҳисобланган ҳаракат тарзи шаклларининг категориал хусусияти ва парадигматик табиати ойдинлаштирилади.

Тадқиқот натижаларидан:

- ўзбек тилининг назарий, систем грамматикалари учун, шунингдек, олий ва ўрта мактабга мўлжаллаб тузиладиган дарслик ва қўлланмалар учун материал сифатида фойдаланиш мумкин;
- филология факультетларида ўқитиладиган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курси морфология бўлимининг грамматик маъно, грамматик шакл, грамматик категорияга доир мавзуларини ўқитиша қўшимча манба бўлиб хизмат қилади;
- тадқиқот янги дастурдаги тушунчалар моҳиятини ойдинлаштириш йўлидаги изланиш бўлганлиги сабабли ундан ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта ўқитиши курсларида максус курс, шунингдек, янги дастур асосида ишлаёттан она тили ўқитувчиларига кўрсатма сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Ишнинг илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши. Диссертация мавзуи Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида муҳокама этилиб, университет Илмий кенгашида тасдиқланган. Тадқиқот матни Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси ҳамда Самарқанд давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси йигилишларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот мавзуи юзасидан «Маҳмуд Кошгариининг «Девону луготит турк» асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференцияда (Самарқанд, 2002), «Ўзбек тили» доимий анжумани VII йигинида (Қарши, 2003), Қарши давлат университети иқтидорли талабалари, магистр ва аспирантларнинг I илмий анжуманида (Қарши, 2003) ҳамда академик шоирFaфур Фулом тавалудининг 100 йиллигига багишлиланган «Faфур Фулом ва давримиз» мавзуидаги республика илмий-амалий анжуманида (Қарши 2003). Қарши давлат университетида ўтказилган «Давлат тили ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжуманида (Қарши, 2004), «Фан, тараққиёт ва ёшлар» мавзуидаги магистр ва аспирантларнинг илмий анжуманида (Қарши, 2004) маърузалар қилинган.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни 9 та мақола ва тезисда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертациянинг умумий

ҳажми PANDA Baltic UZ шрифтининг 14 кегел катталигида 126 бет бўлиб, кириш, уч боб, умумий хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацияниң «**Кириш**» қисмида мавзунинг тадқиқ дара-жаси, долзарбаги, мақсаду вазифаси, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот материалы, методологик асоси, тадқиқ усули, диссертация натижаларининг жорийланиши ва тузилиши қисқача баён қилинади.

Ишнинг биринчи боби «**Ҳаракат тарзи шакллари хусусида**» ва унинг биринчи бўлими «**Ҳаракат тарзи шакли тушунчасининг моҳияти ва унинг таълим тизимида киритилиши**» деб номланади.

Бутунги кунда, умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига мувофиқ, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги кенг кўламли ишлар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида»ги Конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълимнинг барча бўгинларида она тили ўқитишни ташкилий ва мазмуний жиҳатдан қайта қуришни тақозо этмоқда.

Она тили таълим мазмунини янтилашга ўтган йиллар давомида эҳтиёж сезилган бўлса-да, 90-йилларгача давом этган тургунлик даври бунга йўл очмас эди. Она тили қурилиши рус тили меъёрлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бунда тилимизнинг туркона табиати ҳисобга олинмаган эди.

90-йиллардан бошланган таълим тизимида янгиланиш тилимизни рус тили грамматикаси андазалари асосида баҳолашдан возкечишга қаратилган эди. Шу маънода тилимизда морфологик шаклларининг янгича талқин этилишини тизимдаги янгиланиш учун бир силжиш дея баҳолаш мумкин.

Маълумки, ўзбек тилидаги морфологик шакллар, асосан, синтетик табиатлидир. Бироқ сўзларнинг аналитик (*Карим* учун, қалам билан) ва синтетик-аналитик (уйга томон, қишлоққа қадар) шакллари ҳам мавжуд. Ҳаракат тарзи шакллари ҳам сўзларнинг синтетик (боролмайман, юборавер), синтетик-аналитик (ўқий бошлиди, кўриб чиқ) ҳамда аналитик (сотди-қўйди, кетди-қолди) морфологик шаклларини ҳосил қиласди.

Аналитик кўринишдаги ҳаракат тарзи шаклларида ёрдамчи сўзга хос ҳам шаклий, ҳам маъновий жиҳатдан ўз лексемалик табиатини сақлашнинг кучлилиги эмас, балки уни етакчи феълга боғлаётган равишдош кўрсаткичини сиқиб чиқариб, етакчи феъл билан маъновий зичлашишга ҳамда етакчи феълнинг кесимлик кўрсаткичи билан шаклланиши натижасида шаклий мустақиллигини сақлашга интилишидан иборат шаклий-маъновий зиддият кўзга ташланади.

Ҳаракат тарзи шакли атамаси илк бор кўмакчи феъл истилоҳи ўрнида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун «Она тили» синов дарслигида истеъмолга киритилли ва уларга «ҳаракат давомий-

лиги ёки қисқалити, мунгазам ёки узлуксизлиги, кутилмаганлиги, фоилнинг ҳаракатни бажара олиш ёки бажара олмаслиги каби ўнлаб маъно нозикликларини ифодалайди», дея таъриф берилди¹.

Кўмакчи феъл атамаси икки жиҳати билан ҳодиса моҳиятига уччалик яқин эмас. Биринчидан, ўзбек ва, қолаверса, дунё тилшунослигида лисоний ҳодисалар, одатда, ифодаланишининг маъноси асосида (кам ҳолларда вазифасига кўра) номланади: замон, нисбат, майл. Шунга кўра, кўмакчи феъллар етакчи феълдан англашилган ишҳаракатнинг тарзини ифодалаганлиги боис ҳам ҳаракат тарзи шакли атамасини қўллаш анъанага мувофиқ келади: кесимлик шакли, нисбат шакли каби. Иккинчидан, ҳаракат тарзи шакли фақат кўмакчи феълдангина иборат эмас, балки *равишдош шакли+кўмакчи феъл* кўриннишидаги мураккаб курилишга эга бўлиб, синтетик-аналитик шаклдадир. Кўмакчи феъл равишдошнинг тегишли шакли билангина бирикиб нутқа чиқади. Демак, тарз равишдош шакли ва кўмакчи феъл яхлитлиги орқали ифодаланаар экан, анъанавий кўмакчи феъл атамаси аталанишининг бир қисминигина ифодалайди. Кўмакчи феъл истилохи қўлланганда мураккаб шаклининг бир қисми эътибордан соқит қилинган бўлади. Ана шу икки асос янги атамани қўллашда ҳодисанинг асл моҳиятини нисбатан тўлиқроқ акс эттиришини кўрсатади. Шунингдек, анъанадаги *равишдош шакли+кўмакчи феъл* бирикуви учун қўлланган кўмакчи феълли сўз қўшилмаси ўрнида ҳаракат тарзи шакли атамасини қўллаш нутқий тежамкорликни таъминлайди.

Бобнинг иккинчи бўлими «Ҳаракат тарзи шаклларининг ўрганилиш тарихи» деб номланади ва унда кўмакчи феълларга доир туркийшунослик ва жаҳон тилшунослигига амалга оширилган ишлар қисқача шарҳланади.

Аналитик шакллар ҳақидаги қарашлар 300 йилдан ортиқроқ тарихга эгадир. Жаҳон тилшунослигига ҳам, туркийшунослиқда ҳам дастлабки қарашлар мисоли сифатида татар тилига оид И.Гиганов тадқиқотларини айтиб ўтиш лозим².

Рус тилшунослигига аналитик шаклларга доир кенг ва синчковлик билан айтилган фикрлар А.Потебня ишларида учрайди. У кўмакчи феълларнинг гуруҳларга ажратиш мезони қилиб «лексик маънони йўқотиш» белгисини кўрсатади³. Ф.Фортунатов тадқиқотларида кўмакчи феъллар нотўлиқ сўзлар деб номланади⁴.

Ҳаракат тарзи шаклларининг кейинги босқич ишларида «шаклдан мазмунга» тамойили устуворлик қиласи. А.Шахматов мазкур масалада асосий диққатни кўмакчи феълларнинг грамматик хусусиятига кўра ажратилишига қаратиб, уларни икки гуруҳга бўлади:

1. Лексик маъносини қисман йўқотган кўмакчи феъллар.
2. Лексик маъносини бутунилай йўқотган кўмакчи феъллар⁵.

¹ Незматов Ҳ., Гуломов А., Абдураимова М., Қодиров М. Она тили. 6-синф учун дарслек (синов). -Т.: Ўқитувчи, 2000. -Б. 52.

² Гиганов И. Грамматика татарского языка. СПб. 1801. -С. 118.

³ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.1. Воронеж. 1874. -С. 91.

⁴ Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языкознание. Общий курс // Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т. 1. -М.: Наука, 1957. -С. 54.

⁵ Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Вып.1. -Л.: Учпедгиз, 1941. -С. 103.

Ўзбек тилшунослигидаги ҳам ҳаракат тарзи шакларининг ўрганилиши, асосан, XX асрнинг 40-50-йилларида кучайди¹. Кўмакчи феъллар мавзуи тадқиқига доир ишлар орасида академик А.Хожиевнинг «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» монографияси алоҳида эътиборга молик². Монографияда ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган 27 та кўмакчи феълнинг етакчи феълга -а/й, -(и)б равишдошлари билан бирикувчи шаклари ҳамда жуфт ҳолатда келган кўмакчи феълли сўз қўшилмалари таҳлилга олинади. Туркийшуносларнинг бу борадаги тадқиқотлари кузатилганда эса, кўмакчи феълларнинг сони туркий тилларда миқдоран фарқланиши кўзга ташланади. Масалан, озарбайжон, ёқут, кўмиқ, нўтой, қирғиз, қорачой-болқор тилларида аналитик шакларнинг 40 дан 50 гача етиши, тува тилида эса 30 дан ортиқ эканлиги кўрсатиб ўтилади³.

А.Гуломовнинг «Феъл» монографияси ҳамда тадқиқотчи Б.Жўраев кузатишларида кўмакчи феъллар воситасида ифодалана-диган маънолар изчиллик билан фарқлаб берилади⁴.

Ишнинг иккинчи боби «Ҳаракат тарзи шакларининг парадигматик қаторлари» ва унинг биринчи бўлими «Ҳаракат тарзи шакларининг умумий маъно парчаланиши асосидаги парадигмаси» деб номланади.

Морфологик шакларнинг умумий ва хусусий маъноларини фарқлашда, асосан, икки ҳолат кўзга ташланади:

- а) умумий грамматик маънони тиклаш;
- б) тилнинг яхлит тизим сифатида намоён бўлиши.

Ҳаракат тарзи шаклари «тарз» умумий грамматик маъносига остида бирлашса-да, уларни бошқа грамматик категорияларда бўлганидек, шаклардан келиб чиқсан ҳолда парадигматик таҳлил қилиш имкони чекланган. Шакларнинг кўп маънолилиги хусусийликлар асосида иш кўриш учун тўсқинлик қиласи. Шу боисдан ҳаракат тарзи шаклари парадигмаси лисоний тизим сифатида таҳлилга тортилар экан, «хусусийликдан умумийликка» йўналишида эмас, балки «умумийликдан хусусийликка» тамоили асосида иш кўрмоқ лозим бўлади.

Маълумки, ўзбек тилида шу кунгача энг катта морфологик парадигма саналган замон категорияси 18 аъзодан иборат⁵. Ҳажман

¹ Фердаус С. Феълларнинг вид категорияси // Ўрта Осиё давлат Университетининг илмий асарлари. Янги серия. 104-чиқиши. Филология фанлари. -Т., 1957. Шарипов Г.Ш. Категория глаголного вида в современном узбекском языке: Автореф. дис...канд.филол. наук. -М.: 1955. -26 с. Акбаров С. Ўзбек тилида кўшма феъллар: Филол. фан. номз.. дис... -Т.: 1946. -180 б. Альмаматов Т.А. Вспомогательные глаголы в узбекских народных говорах: Автореф. дис... канд. филол. наук. -Т., -1978. -16 с. Жўраев Б. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг кўлланиши ва маъносига // Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари. -Т., 1953. -Б. 255-266. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. -М. -Л.: Изд-во АН СССР, 1960. -446 с.

² Хожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. -Т.: Фан, 1966. -222 б.

³ Юлдашев А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. -М.: Наука, 1965. -275 с.

⁴ Гуломов А. Феъл. -Т.: Фан. 1954. Жўраев Б. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг кўлланиши ва маъносига // Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари. -Т., 1953. -Б. 255-266.

⁵ Баҳридинова Б. Феъл лугавий шаклари тизими (тур категорияси): Филол. фанлари номзоди дис... -Самарқанд, 2002. -Б. 45.

-а/й+қол, -(и)б+қүй, -(и)б+кет, -(и)б+юбор, -(и)б+ташла, -(и)б+сол, -а/й+сол, -(и)б+туш, -(и)б+қүр, -(и)б+қара, -а/й+бил, -а+әз, -а/й+бер.

Ҳаракат тарзи шакларида соддалашып ҳодисаси кузатилади. Бу ҳодиса күмакчи феъл билан бөглиқ ҳолда рўй беради. Шунга мувофиқ, ҳаракат тарзи шакларининг имлоси ҳам ўзгаради. Соддалашыш ҳолатига кўра ҳаракат тарзи шаклари икки гурӯхга бўлинади:

1. Кўшимчага айланётган ҳаракат тарзи шаклари: боравер (*-а/й+бер*), келгёди (*-а+әз*), боролади (*-а/й+тол*), уриворди (*-(и) б+юбор*);

2. Кўшимчага айланган ҳаракат тарзи шакли: ёзаётиди (*-а+ёт*).

Хулоса қилиб айттанди, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳаракат тарзи шаклари орасида даражаланиш (фақат *-а/й* ва *-(и)б* равишдошлари асосида таҳлил қилинганда) юқорида кўрсатилган 38 қолип доирасида амал қиласи.

Бобнинг учинчи бўлими «Ҳаракат тарзи шакларида гипонимия» деб номланади.

Мустақил лексемалар каби ҳаракат тарзи шаклари ҳам привативлик табиатига эга. Бу жиҳатдан мазкур 38 қолипли шаклар бир неча гурӯхга бўлинади. Гурӯх аъзолари сони 2 тадан 5-6 тагача боради. Лекин барча гурӯҳда ҳам аъзолар 2 гурӯхга бўлинади. Битта аъзода муайян оралиқ грамматик маъно белгиланган, иккинчисида белгиланмаган бўлади. Масалан, «давомийлик» оралиқ грамматик маъноси *-(и)б+тур, -(и)б+ёт, -(и)б+юр* қолипли шакларнинг ўзида мавжуд бўлиб, бу маъно нутқда ифодаланади: ёзиди турибди, ўйлаб ётибди, кузатиди юрибди. *-(и)б+қол* қолипли шакл эса «давомийлик» оралиқ грамматик маъносига бетараф (нейтраплайдир. Шунинг учун бу шакл «давомийлик» маъносини нутқ, аниқроғи, феъл лексема ёрдамида ифодалайди. Мазкур шакл баъзи феълларга бирикиб келганда шу феълнинг табиатига мослашиб, ўзга маъно ифодалashi кузатилади. Мисоллар: 1. Сиддиқжон ичкарига киришини ҳам, кўчага чиқиб кетишини ҳам билмай остоңада туриб қолди (А.Қаҳҳор). 2. Ўшаларнинг ўриги ҳовли билан битта бўлиб тўклиб қолиди (М.Исмоилий). Биринчи мисолда «давомийлик» маъноси мавжуд бўлса, иккинчи мисолда эса бунинг аксини кўрамиз. Таҳдилларга кўра айтиш мумкини, ёзиди турибди ва ўйланиб қолди мисолларида *-(и)б+тур* ва *-(и)б+қол* ҳаракат тарзи шаклари нутқда «жараёнлилик» маъноси асосида ўзаро оппозитивдир ва бу оппозиция приватив табиатта эга. Бу приватив оппозициянинг белгиси «давомийлик» бўлиб, унинг белгили аъзоси *-(и)б+тур*, белгисиз аъзоси эса *-(и)б+ қол* ҳаракат тарзи шаклидир.

Бобнинг тўртинчи бўлими «Ҳаракат тарзи шакларининг синонимик парадигмаси» деб номланади.

Ҳаракат тарзи шаклари феълларнинг лугавий шакларидан бўлиб, улардаги маънодошлиқ ҳолати мустақил лексемаларнидан фарқли равишда кўзга ташланади. Мустақил лексемаларнинг маънодошлиқ ҳолати нутқ таркибидан ташқарида ҳам ягона аташ семаларига асосланавериши мумкин: юз, бет, афт, башара, турқ. Бироқ *-(и)б+чик, -(и)б+бўл* каби ҳаракат тарзи шаклари фақат нутқ

таркибидағина маънодошлиқ муносабатида бўлиши мумкин, чунки уларнинг лексик маънога эга эмаслиги бунга тўсиқ бўлади: **ўқиб чиқди, ўқиб бўлди**.

Мустақил лексемаларда бўлганидек, ҳаракат тарзи шаклларида ҳам маънодошлиқ муносабати доимо бир қуршов доирасида бўлавермайди. Масалан, [хавфли] лексемаси нутқда [зарарли], [ёвуз], [емон] лексемалари билан бир маънодошлиқ қаторида бўлса, бошқа куршовда [огир] лексемаси билан янги маънодошлиқ муносабатида бўлади: хавфли жароҳат, оғир жароҳат. Шунингдек, **-а/й+бошла** ва **-и/б+кет** қолнили ҳаракат тарзи шаклларидан ясалган нутқий ҳосилалар «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъноси асосидаги маънодошлиқни юзага келтириши мумкин: *Гапира бошлади, гапириб кетди*. Бироқ (шамол баргларни) учシリб кетди, супуриб кетди мисолларидағи «тўла бажариш» ёки «ўз ўрнидан бошқа томонга йўналиш» маънолари юқоридаги «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъноси ўрнини эгаллаган. Таҳлиллар тутаб бўлди, тутаб билди мисоллари асосида кузатилса, «иш-ҳаракатнинг тўла якунланиши» маъносига туташади. Мазкур ҳолатдагидек лугавий маъносини кўпроқ сақлаган бўл, бит каби кўмакчи феълларда етакчи феълнинг таъсири кучсиз бўлади.

Бобнинг бешинчи бўлими **«Ҳаракат тарзи шаклларининг нисбатланиш парадигмаси»** деб номланади.

Ҳаракат тарзи шакллари ўзича ҳаракат билдириш, лексик маъно ифодалаш каби хусусиятларга эга бўлмаса-да, ўзи бирикувчи етакчи феълни модификация қиласи: майл, нисбат, замон, шахс-сон, бўлишли-бўлишсизлик кўрсаткичларини олиб, феълнинг «тарз» семасини муайянлаштиради.

Ҳаракат тарзи шакллари мустақил феъл лексемаларга бирикар экан, улардаги нисбатланиш хусусияти сақланади. Фақат бу хусусият етакчи феъл лексеманинг табиатига мослашган ҳолда бўлади. Нисбат валентлиги ўзининг имкониятини ҳаракат тарзи шаклларига нисбатан етакчи феъл лексемаларда кенгроқ намоён этади.

Бобнинг олтинчи бўлими **«Ҳаракат тарзи шаклларининг услубий парадигмаси»** деб номланади.

Грамматик шакллар тизимиға мансуб ҳаракат тарзидаги услубий фарқлар улардаги нозик маъно хусусиятларнинг нисбатан қиёсланиши ва қўлланиш меъёрига асосланади. Ҳаракат тарзи шаклларида синонимия муносабати кучли бўлиб, бу ҳодиса нутқда уларни услубий хосланишлар – қўлланиш имкониятининг кенглиги ёки чегараланганилиги жиҳатидан фарқлаб туради.

Ҳаракат тарзи шаклларида услубий жиҳатдан фарқланиш кўпроқ сўзлашув ва умум услубий қўлланиш доирасида кузатилади. Нутқда «иш-ҳаракатни бажаришга қодирлик» маъноси **-а/й+тол** ҳамда **-а/й+били** шакли ҳаракат тарзи орқали ифодаланади. Бироқ **-а/й+тол** шакли ҳаракат тарзи ўзи билан оппозицияда турувчи **-а/й+били** шаклига нисбатан кенг истеъмолда бўлиши ва умум услубий меъёрда туриши билан фарқланса, зиддиятдаги **-а/й+били** шакли сўзлашув услубига хослиги ҳамда қўлланиш доираси чегараланганилиги билан ажралиб туради: *фойдалана олди, фойдалана билди*¹.

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. -Т.: Фан, 1966. -Б. 180-181.

Бобнинг еттинчи бўлими «Ҳаракат тарзи шакларининг кўмакчи феъллар валентлик имкониятлари асосидаги парадигмаси» деб номланади.

Ҳаракат тарзи шакларида ёрдамчи лексема мустақил лексемага бирикиши учун маълум бир синтактик шаклда -а/-й ёки -(и)б равишдош қўшимчаларидан бирини олган ҳолда бўлиши талаб қилинади. Мазкур синтактик валентлик лутавий валентлик билан зич болгандан бўлиб, биринчиси ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради, бири йўқолса, иккинчиси ҳам бўлмайди¹. Масалан, *[бит]* ёрдамчи лексемаси *[санат]* мустақил лексемасини ўзига бириктира олмайди. Лекин *[бытир]* ёрдамчи лексемаси *[сана]* мустақил лексемасини ўзига торта олади. Бунда *[бит]* лексемасининг синтактик валентлиги ўзгаради: *санаб бытирги*.

Ҳаракат тарзи шакларидаги кўмакчи феълларнинг бирикиш имконияти - (и)б ва -а/-й равишдош шаклига нисбатан турлича бўлиб, иккى шаклнинг имкониятлари, асосан, ўзаро оппозитивdir ва бу оппозиция приватив табиатта эга. Чунки кўмакчи феълларнинг барчасини етакчи феълга доимий бириктириш белгиси -(и)б равишдош шаклида устувордир. Лекин -а/-й равишдош шакли бу белгига нисбатан бефарқ, нейтрал. Шунга кўра, бу приватив оппозициянинг белгиси «доимий бириктириш», унинг белгили аъзоси -(и)б равишдоши, белгисиз аъзоси эса -а/-й равишдош шаклидир. Бироқ бил ва ёз кўмакчи феъллари бундан мустасно.

Ёз кўмакчи феъли -а/-й равишдош шакли билан фақат -а+ёз кўринишидагина бирикади. Чунки «ёз» кўмакчи феъли бошидаги «ё» графемаси «й» равишдош шакли билан ёнма-ён келганда, талаффузда фонетик жиҳатдан номутаносиблик кузатилади. Бироқ тегишли манбаларда юқоридаги ҳолат назардан четда қолади².

Ишнинг учинчи боби «Ҳаракат тарзи шаклари лисоний тизим яхлитлигига» ва унинг биринчи бўлими «Ҳаракат тарзи шакларининг етакчи феъл семантик-синтактик имкониятига таъсири» деб номланади.

Ҳаракат тарзи шаклари ҳам воқеланар экан, тил сатҳлари таъсиридан четда қолмайди. Ўрганилаёттан ҳодиса грамматик шакл бўлганлиги боис унда омилларнинг таъсир доираси кучли бўлади.

Нутқда мустақил лексемалар ёрдамчи лексема сифатида воқеландиган тарз маъноларига турлича таъсир ўтказади. Баъзи мустақил феъллар асосида юзага келган кўмакчи феълларда аташ семалари кўпроқ сақланиб қолиши мумкин, айримларида эса ифода семаси ёки вазифа семалари барқарор бўлади. Шунингдек, ҳаракат тарзи шакларининг мустақил феъл лексемалар билан бирика олиши фақат уларнинг грамматик маъноси билангида эмас, балки етакчи феълнинг мазмун силсиласи билан ҳам белгиланади. Чунки уларнинг ўзаро мувофиқлиги шаклнинг нутқка киритилишига асос бўлади³. Лутавий маънони кўпроқ сақлаган кўмакчи феълларда етакчи феъл-

¹ Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлигига сатҳлараро муносабатлар: Филол. фанлари доктори дис... -Т., 2002. -Б. 21.

² Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. -Т.: Фан, 1975. -Б. 410.

³ Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлигига сатҳлараро муносабатлар: Филол. фанлари доктори дис... -Т., 2002. -Б. 146.

шинг луганий маънога таъсири кучлироқ бўлади. Бундай ҳолларда ҳаракат тарзи шакли бирикаётган мустақил лексемадан маъновий жиҳатдан ажралашга ҳаракат қиласи.

Ҳаракат тарзи шаклари нутқда воқеланар экан, аксарият ҳолларда ифодаланмаган ҳолат ёки пайт равиши мавжудлигига ишора қилиб туради. Масалан, Лектор... ҳатта қараб, жаҳл билан яна бир марта «ўртоқлар» *деди-ю*, лекцияни бошлаб *юборди* (А.Қаҳҳор). Бунда ҳаракат тарзи шакли **-и/б+юбор** мазкур маънони бериш имкониятига яқин бўлган *тўсатдан*, *тезда*, *бирдан* каби равишларнинг ҳолат маъноларига ишора қилиб турибди. Бу каби мисолларда ҳаракат тарзи шакли равиш лексемалар билан нутқий-контекстуал маънодошлини юзага келтиради.

Бугунги кунда қўшимчага айланаётган ҳаракат тарзи шаклари орфографияда маълум бир муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунга кўра, қўшимчалашаётган шакларни имло қоидлари меъёри асосида муайянлаштириш зарур бўлади. Ушбу мўъжаз тадқиқотда таклиф сифатида баъзи бир қарашларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

1. **-а/и+бер**, **-а+ёз** қолипли ҳаракат тарзи шаклари кўплаб бадиий асарларда синтетик-аналитик: *ея берарди*, чиқа ёзи ёки синтетик: *кўчаверсан*, *ажралаёзган* каби кўринишларда берилади. Мисоллардаги синтетик-аналитик шакларнинг ўзидан олдинги етакчи феъл билан зич боғланиши ва ягона ургу остида талаффуз қилиниши ҳисобга олинса, орфографиянинг доимий қўшиб ёзиш қоидаси асосида ёзиш маъқул бўлади.

2. **-а/и+ол**, **-и/б+юбор** қолипли ҳаракат тарзи шакларининг оғзаки нутқда етакчи феъл билан бирга қўшма сўзлар каби бир ургу остида талаффуз этилиш (*боролади*, *уриворди*) ҳолати мавжуд бўлсада, шунингдек, алоҳида-алоҳида талаффуз этилиши ҳозирги ўзбек адабий тили орфоэпиясида кўп учрайди: *бора олади*, *уриб юборди*. Бу каби ҳаракат тарзи шакларнинг етакчи феълга бир ургу остида қўшиб талаффуз қилиниши оғзаки нутқимизни гўзаллаштирувчи ҳолат эмас. Уларнинг нутқий гўзал талаффузига мувофиқ ёзилиши ҳисобга олинса, **-а/и+ол**, **-и/б+юбор** қолипли ҳаракат тарзи шаклари ўзбек тили имлосининг қўшиб ёзиш қоидаси меъёридан жой олмаслиги лозим.

Бобнинг «Ҳаракат тарзи маъноларини воқелантиришда сатҳлар ҳамкорлиги» деб номланган бўлимида грамматик шаклнинг лугавий, синтактик, услубий омиллар муштарақлигидан нутқа чиқиши таҳмил қилинади. Грамматик шаклларда аслий ва тажалли жиҳатлар қоришуви нисбатан кучли бўлиб, бу аввало, улар маъноларида мавхумлашишнинг нисбатан юқори даражада эканлиги билан белгиланади.

Ҳаракат тарзи шакларининг маъноларини белгилашда равишдошнинг **-а/и** ёки **-и/б** шаклари мухим роль ўйнайди. Масалан, ўқий олади, ўқиб олди мисолларида кўмакчи феълнинг лугавий

маънодан узоклашиши орқали морфологик шаклга морфологиянинг таъсири устуворлик қиласи. Бунда лексиканинг таъсир доираси мазкур омилга нисбатан заифроқ бўлади.

Эга ва феъл кесим муносабатидан ташкил топган йигиқ гапларда ҳаракат тарзи шаклларининг етакчи феъл лексемага валентлик имконияти чегараланмаган бўлади. Масалан, *Адҳам кулди*. Мазкур йигиқ гап ҳол кенгайтирувчи билан кенгайганда ҳаракат тарзи шаклларининг валентлик имкониятлари муайянлашади: Адҳам **бирдан кулиб юборди** ёки Адҳам **секин кулиб қўйди** каби.

Ишнинг пиравардида қўйидаги хуросаларга келинди:

1. Амаддаги дастур ва дарслкларда кўмакчи феълли сўз кўшилмаси янгича талқин этилиб, ўзбек тилшунослигига ҳаракат тарзи шакли атамаси киритилди. Кўмакчи феълли сўз кўшилмаси атамаси ўзбек тилининг онтологик табиатини тўлақонли акс эттира олмайди. Ҳаракат тарзи шакли тушунчаси фақат кўмакчи феълдангина иборат эмас, балки равишдош шакли+кўмакчи феъл мураккаб курилишта эга бўлиб, асосан, синтетик-аналитик шаклдир.

2. Ҳаракат тарзи шаклларининг лисоний қиймати погонали табиатта эга бўлиб, бошқа грамматик шакллардагидек «хусусийликдан умумийликка» йўналишида эмас, балки «умумийликдан хусусийликка» тамойили асосида очилади. Погонали табиатта эга бўлган хусусийликларни тиклашда -а/-й ҳамда -(и)б равишдоши билан ҳосил бўлувчи 38 та ҳаракат тарзи шакли қолипи аниқланиб, уларнинг етакчи феълларга бирикиш доираси тор ёки кенг қўлланувчи шакллар сифатида ажратилди.

3. Ҳаракат тарзи шаклларининг барчасини лугавий маънони йўқотиш белгисига кўра даражалаш имкони йўқ. Шу боис мазкур сирага кирмайдиган шакллар бошқа бир иш-ҳаракат туталланганлигининг қатъйлиги, қўлланиш миқдорининг чегараланганилиги каби белгиларга кўра даражаланади. Ҳаракат тарзи шакллари кўп шаклли парадигма бўлиши билан биргаликда турли умумийлик зарралари таъсири натижасида кўп маънолилик ҳолатига эга бўлади. Бироқ бир неча шакл нутқда ўзининг доимий ифодаловчи грамматик маъносига эга бўлиб, ўрни келганда, бошқа шаклларнинг ҳам шу маънони бера олиш имкониятига мувофиқ ҳаракат тарзи шаклларининг мустақил лексемалар сингари приватив муносабатда бўлиши ҳақида хуроса чиқариш мумкин.

4. Ҳаракат тарзи шаклларидағи маънодошлиқ мустақил лексемалардан фарқланади. Уларнинг лугавий маънога эга эмаслиги шаклларнинг фақат нутқий вазиятлардагина маънодошлиқ муносабатида бўлишига олиб келади.

5. Ҳаракат тарзи шакллари доимий нисбатланиш хусусиятига эга. Бироқ улардаги нисбатланиш етакчи феъл лексема ҳисобига бўлади. Нисбат валентлиги ўзининг имкониятини ҳаракат тарзи шаклларига қараганда етакчи феълларда кенгроқ намоён этади. Мустақил лексемалар сингари ҳаракат тарзи шаклларининг услубий

хосланишлари яққол кўзга ташланмаса-да, улардаги нозик маъно хусусиятларнинг нисбатан қиёсланиши ҳамда кўлланиш меъёри асосида умумжуслубий ва сўзлашув услуби гурухларига ажратиб ўрганиш мумкин. Кўмакчи феъларнинг валентлик имкониятлари ранг-баранг бўлиб, бу фактат-а/й равишдоши билан бирикувчи кўмакчи феълар, ягона -(и)б равишдоши билан бирикувчи кўмакчи феълар, шунингдек, ҳам -а/й равишдоши билан, ҳам -(и)б равишдоши билан бирикувчи кўмакчи феълар каби парадигмаларни беради.

6. Синтетик-аналитик кўринишдаги бир неча ҳаракат тарзи шаклларида қўшимчалашиш ҳолати кучлилги аникланди. Шунга кўра мазкур шаклларни орфографик меъёр доирасида қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

7. Кейинги илмий манбаларда кўрсатилган ур ҳамда бирор манбада қайд этилмаган шуга кўмакчи феъларини ҳаракат тарзи шакли ҳосил қилувчи кўмакчи феълар каторига киритиш лозим бўлади. Шунингдек, янги ёзиладиган дарслик ва қўлланмаларда бунинг ўз аксини топиши ҳамда ўкувчи ва талабаларга етказиш зарурлиги таклиф этилади.

8. Гапда ҳол кенгайтирувчи ҳаракат тарзи шаклларини нутқда муайянлаштириб турар экан, ўз ўрнида тарз шакллари ҳам ифодаланмаган ҳол кенгайтирувчиларнинг мавжудлигини эслатиб турувчи восита бўлиб хизмат қиласди.

9. Сатҳларнинг узвий алоқаси ҳаракат тарзи маъноларини воқелантиришда зич бўлиб, улар нутқий хосланганда морфологик, синтаксик ва лексик омиллар таъсирида бўлади. Нутқа хословчиларнинг таъсири турлича бўлиб, бирининг кучайиши бошқасининг кучизланишини кўрсатди. Шаклларда нолутавий омилларнинг тажаллилари лугавий маъносидан бутунлай узилган кўмакчи феъларда кўпроқ кузатилиши аникланди. Ҳаракат тарзи шакллари ҳам ўзга сатҳ бирмиклари маъносини модификация қилувчи мухим восита саналади. Ҳаракат тарзи шаклларининг етакчи феълга таъсири, асосан, лугавий маъносини бутунлай саклаган кўмакчи феъларда кучли бўлади. Уларнинг тарз семалари мўътадиллашган феъл лексемаларга таъсири натижасида маълум бир ифодаланмаган ҳол кенгайтирувчиларнинг нутқа тортилиши фаоллашади. Бу эса ҳаракат тарзи шаклларини нутқда равиш лексемалар билан нутқий-контекстуал маънодошлик муносабатида бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг асосий мазмунин қуйидаги ишларда ўз аксини топган:

1. О.Шукуров (Б.Баҳридинова билан ҳамкорликда). «Девон»да феъл лугавий шаклларини ҳосил қилиш усуллари / Халқаро конференция материаллари. 2002 йил 25–26 ноябрь. –Самарқанд, 2002. -Б. 30–31.

2. О.Шукуров (Б.Ментлиев билан ҳамкорликда). Миллий ўз-

ликни англашда имлонинг роли // Ўзбек тили доимий анжумани VII йигини учун маъruzалар. 2003 йил. -Қарши, 2003. -Б. 9-10.

3. О.Шукуров (Н.Мусулмонова билан ҳамкорликда). Лисоний ҳодисаларда зотий ва тажалли жиҳатларни фарқлаш хусусида // Қарши давлат университети иқтидорли талабалари, магистр ва аспирантларнинг илмий анжумани илмий мақолалар тўплами. II тўплам. 2003 йил 10 апрель. -Қарши, 2003. -Б. 7-9.

4. О.Шукуров (Н.Хушвақтова билан ҳамкорликда). Faфур Fулом шеъриятида ҳаракат тарзи шаклларининг услубий хусусиятлари // «Faфур Fулом ва давримиз» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2003 йил 18 апрель. - Қарши, 2003. -Б. 153-156.

5. О.Шукуров. Ҳаракат тарзи шаклларини ўргатишда индуктив усулни қўллаш тажрибасидан // Тил ва адабиёт таълими. 2003. № 5. -Б. 13-17.

6. О.Шукуров. Ҳаракат тарзи шаклларининг парадигматик табиатига доир // Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. 2003. № 4. -Б. 69-71.

7. О.Шукуров. Жорий она тили дастуридаги миллий ўзлик туйгусини ўстирувчи омилларга доир // «Давлат тили ва ўзбек тил шунослигининг долзарб масалалари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2004 йил 14 май. -Қарши, 2003. -Б. 174-176.

8. О.Шукуров. Ҳаракат тарзи шаклларида привативлик // «Фан, тараққиёт ва ёшлар» мавзуидаги магистр ва аспирантларнинг илмий анжумани материаллари. 2004 йил 5 июнь. -Қарши, 2004. -Б. 8-10.

9. О.Шукуров. Ҳаракат тарзи шакллари лисоний тизим яхлитлигида // Насаф зиёси. Қарши давлат университетининг илмий-маърифий журнали. 2005. № 2. -Б. 9-11.

**Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Отабек Улашевич Шукуровнинг 10.02.02 – ўзбек тили ихтисослиги
бўйича «Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси» мавзуидаги
диссертациясининг**

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Калит сўзлар: ҳаракат тарзи шакллари, лугавий шакллар, кўмакчи феъллар, кўмакчи феълли сўз кўшилмаси, зот ва тажалли, лисон ва нутқ умумлаштириш, лексема ва сўз, полутавий таъсир, полисемантиклик, кўп маънолилик, билиш босқичлари, назарий билиш методологияси, диалектик мантиқ, диалектика ва тасаввуф назарий билиш методологияси сифатида.

Тадқиқот обьекти: ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳаракат тарзи шаклларидир. Бунинг учун 2 томли «Ўзбек тилининг изоҳли лутати», 40-йиллардан кейинги ўрта ва олий таълим дарслклари ва туркийшуносликда аналитик шакллар мавзуи остида қилинган илмий тадқиқотлардан фойдаланилди.

Ишнинг мақсади: ўзбек тилшунослигига ҳаракат тарзи шакли истилоҳининг киритилиш сабабларини ёритиш, ҳаракат тарзи шаклларининг умумий грамматик маъносини очиш, грамматик шакллар тизимида ҳаракат тарзи шаклларининг туттан ўрнини белгилаш, ҳаракат тарзи шаклларининг ташқи ва ички парадигмаларини очиш ҳамда шакллараро парадигматик муносабатларни тиклаш, ҳаракат тарзи шаклларини лисоний тизим яхлитлигига ўрганишдан иборат.

Тадқиқот методи: диалектиканинг умумийлик, моҳият, имконият, сабаб ва яккалик, ҳодиса, воқелик, оқибат категориялари ҳамда тасаввуфнинг фаҳмий ва идрокий билим ҳақидаги таълимоти, зот ва тажалли, жузв ва кулл тушунчалари ҳисобланади. Диссертациянинг тадқиқ усули систем текширишдир.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ишда ҳаракат тарзи маъносини ифодалаш ёлғиз кўмакчи феъл орқали эмас, балки равишдош шакл+кўмакчи феъл кўринишни мураккаб қурилишга эгалиги далилланди. Ўзбек тилининг зотий табиатидан келиб чиқиб, ҳаракат тарзи шаклларининг грамматик шакллар тизимида туттан ўрни ёритилди. Ҳаракат тарзи шаклларининг умумий грамматик маъносига тадқиқотчининг муносабати «хусусийликдан умумийликка» йўналишида эмас, балки «умумийликдан хусусийликка» тамоили асосида бўлиши кўрсатиб берилди. Ҳаракат тарзи шаклларининг парадигматик муносабатлари тадқиқ этилди ва уларнинг етакчи феъл семантик-сintактик имкониятларига таъсири очиб берилди. Ҳаракат тарзи маъноларини воқелантиришда лексик, морфологик ва сintактик сатҳлар таъсир қилиш доираси турлича эканлиги асосланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан ўзбек тилининг назарий, систем грамматикаси, шунингдек, олий ва ўрта мактабларга мўлжаллаб тузиладиган дарслек ва қўлланмалар учун материал сифатида, маҳсус курслар яратишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самараадорлиги: тадқиқот натижаларидан ўкув юртлари учун «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсидан дарслек ва қўлланмалар тузишда фойдаланилмоқда. Тадқиқот натижалари замонавий дарслек ва қўлланмалар яратишда катта иқтисодий самара беради.

Қўлланиш соҳаси: олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида, хусусан, филология ихтисослиги бўйича бакалаврият ва магистратура талабалари учун дарслек ва қўлланмалар яратишда фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Шукурова Отабека Улашовича на тему «Парадигма форм способов действия» на соискание учёной степени кандидата филологических наук по специальности 10. 02. 02 – узбекский язык

Ключевые слова: формы способов действия, лексические формы, вспомогательные глаголы, словосочетания с вспомогательными глаголами, субстанция и акциденция, язык и речь, обобщение, лексема и слово, нелексическое воздействие, полисемантизм, многозначность, а также ступени познания, методология теории познания, диалектическая логика, диалектика и суфизм как методология теории познания.

Объект исследования: формы способов действия в современном узбекском литературном языке. Для этого были использованы «Толковый словарь узбекского языка» в 2-х томах, учебники для средней и высшей школы, изданные после 40-х годов и научные исследования в тюркологии по аналитических форм.

Цель работы: обосновать причины введения в узбекское языкознание термина формы способов действия, раскрыть общее грамматическое значение форм способов действия, определить место форм способов действия в системе грамматических форм, раскрыть внешние и внутренние парадигмы форм способов действия, а также установить парадигматические отношения между формами, изучить формы способов действия в единой языковой системе.

Метод исследования: такие категории диалектики, как общее, сущность, возможность, причина и единичное, случайность, действительность, следствие, а также учение суфизма о различении эмпирического и теоретического и такие его понятия, как субстанция и акциденция, единичное и общее. Метод исследования диссертации - системный анализ.

Полученные результаты и их новизна: в работе доказано, что значение форм способов действия выражается не только при помощи вспомогательными глаголами, но и всего составного сочетания «форма деепричастия+вспомогательный глагол». Исходя из природы происхождения узбекского языка, освещено место форм способов движения в системе грамматических форм. Показано, что подход исследователя к общеграмматическому значению форм способов действия основывается не в направлении «от частного к общему», а напротив, от «общего к частному». Изучены парадигматические отношения форм способов действия и раскрыто их влияние на семантико-синтактические возможности господствующего глагола. Обосновано, что сфера влияния лексических, морфологических и синтаксических уровней на реализацию значений способов действия может быть различна.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы в теоретической грамматике узбекского языка, а также в качестве материала при составлении учебников и учебных пособий для высшей и средней школы, при создании специальных курсов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования применяются при создании учебников и учебных пособий по курсу «Современный узбекский литературный язык» для учебных заведений. Результаты работы дадут значительный экономический эффект при создании современных учебников и учебных пособий.

Область применения: Результаты исследования применяются в системе высшего и среднего специального образования, в частности, при создании учебников и учебных пособий для студентов бакалавриатур и магистратур по филологической специальности.

THE SUMMARY

Of the dissertation of the candidate for scientific degree of philological sciences Shukurov Otabek Ulashevich «The paradigm the forms of methods of action» on speciality 10.02.02 - Uzbek language

Key words: the forms of methods of an action, lexical forms, auxiliary verbs, word collocation with auxiliary verbs, substantiation and attribute, language and speech, generalization, lexeme and word, unlexical effect, polysemy, multivalence, and also stage of knowledge, methodology of the theory of knowledge, dialectic logic, dialectics and mysticism as the methodology of the theory of knowledge.

Subjects of the inquiry: the forms of methods of an action in modern Uzbek literary language. For this purpose the text-books for average and higher schools issued after the 40-th years and scientific researches in turkology till the analytical forms were used «An explanatory dictionary of the Uzbek language» in the 2-nd volumes.

Aim of the inquiry: to illuminate the reasons of introduction in the Uzbek linguistics of a term of the form of methods of an action, to uncover common grammar significance of the forms of methods of an action, to locate of the forms of methods of an action in a system of the grammar forms, to uncover external and internal paradigms of the forms of methods of an action, and also to place paradigmatic of the attitude between the forms, to study the forms of methods of an action in a uniform language system.

Method of inquiry: such categories dialectics, as common, essence, possibility, reason and single, contingency, real, corollary, and also doctrine mysticism about distinguishing empirical and theoretical and such of its concept, as substantiation and attribute, single and common. Thus, method of a research in a thesis - system researches.

The results achieved and their novelty: in work is proved, that the significance of the forms of methods of an action expresss not only with the help of auxiliary verbs, and with the help of all composite combination «*the form verbal adverb+auxiliary verb*». Proceeding from a nature of an origin of the Uzbek language, the place of the forms of methods of movement in a system of the grammar forms is covered. Is shown, that the approach of the contributor to general grammatical meaning of the forms of methods of an action is based not in a direction «from the particular to the common», and opposite, from «common to individual». Are investigated paradigmatic of the attitude of the forms of methods of an action and their influence on semantical-syntactical of a possibility of a prevailing verb is uncovered. Is justified, that the orb of influence lexical, morphological and syntactical of levels on realization of significances of methods of an action can be various.

Practical value: the outcomes of a research can be used in theoretical, system grammar of the Uzbek language, and also as a material for want of drawing up of text-books both manuals for maximum and high school, for want of creation of special rates.

Degree of embed and economical effectiveness: the outcomes of a research are applied for want of creation of text-books and manuals at the rate «Modern Uzbek literary language» to educational institutions. The outcomes of work will give significant economic benefit for want of creation of modern text-books and appliances.

Sphere of usage: The outcomes of a research are applied in a system of maximum and average special formation, in particular, for want of creation of text-books and manuals to the students bachelors, masters of science on a philological speciality.